

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ЖИНС ТУШУНЧАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

## ҲАҚИДА

Каршибаева Юлдуз

“Ўзбек тилшунослиги” кафедраси

Мустақил тадқиқотчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13751664>

**Аннотация.** Мазкур мақолада ўзбек тилида жинс тушунчасини ифодаловчи воситалар хусусида фикр юритилади. Қариндош-уруғликни ифодаловчи лексемаларнинг пайдо бўлиши, гуруҳланиши ва парадигмаси ашёвий далиллар билан асосланган.

Қариндошликни ифодаловчи лексемалар гендералогик таҳлилга тортилган.

**Калим сўзлар:** қариндош, уруғ, антропонимика, қавм-қариндошлик, никоҳ ва б.

## ON THE MEANS OF EXPRESSING THE CONCEPT OF GENDER IN THE UZBEKI LANGUAGE

**Abstract.** This article discusses the means of expressing the concept of gender in the Uzbek language. The occurrence, grouping and paradigm of lexemes representing kinship are supported by physical evidence. Lexemes representing kinship are subjected to gender analysis.

**Key words:** kinship, clan, anthroponymy, ethnic kinship, marriage, etc.

## О СРЕДСТВАХ ВЫРАЖЕНИЯ ПОНЯТИЯ ГЕНДЕР В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются средства выражения понятия гендера в узбекском языке. Возникновение, группировка и парадигма лексем, обозначающих родство, подтверждаются вещественными доказательствами. Лексеммы, обозначающие родство, подвергаются гендерному анализу.

**Ключевые слова:** родство, род, антропонимия, этническое родство, брак и др.

Ўзбек тилшунослигида жинс тушунчасининг ифодаланиши, уни ифодаловчи воситалар С.Муталлибов<sup>1</sup>, Б.Ўринбоев<sup>2</sup>, И.Исмоилов<sup>3</sup>, Ф.Мусаева<sup>4</sup> ишларида ўрганилган.

Жинс тушунчасини ифодаловчи воситалар ўзбек тилига бошқа тиллардан, хусусан, араб тилидан ўзлашганлигини кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда ўзбек тилига сингишиб

<sup>1</sup>Муталлибов С., Морфология ва лексика тарихидаи қисқача очерк. – Тошкент, 1959. – 140-бет.

<sup>2</sup>Уринбаев Б. Категория вокативности в современном узбекском языке. Автореферат канд. дисс..... – Самарканд, 1964.

<sup>3</sup>Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. (ўзбек, уйғур, козок, кирғиз, қорақалпоқ, туркман тиллари материаллари асосида). – Тошкент, Фан, 1966. – 156 б.

<sup>4</sup>Мусаева Ф. Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши. Фил. фан. бўйича фалсафа док-ри дисс.... автореф. – Тошкент, 2019. – 24 б.

кетган жинс тушунчасини ифодаловчи морфологик воситалар мавжуд. Улар биологик жинсни ифодалашда морфологик ва синтактик усуллар билан фаол иштирок этмоқда. Араб тилидан кириб келган, аёл жинсини ифодаловчи *-а* қўшимчасини кўриб чиқамиз:

а) асосан араб тилидан кириб келган сўзлар таркибида учраса-да, ўзакдан осонгина ажралиши мумкин: *шоир – шоира, адиб – адиба, муаллим – муаллима, золиб – золиба*;

б) антропонимика доирасида келиб чиқиши арабча бўлмаган форсий ёки туркий асосларга ҳам қўшилиши мумкин: *Ёлқин – Ёлқина, Севар – Севара, Суюн – Суюна, Уйтўл – Уйтўла, Тўқин – Тўқина, Элгиз – Элгиза, Элдор – Элдора, Элзод – Элзода, Эркин – Эркина*;

Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши алоҳида тадқиқот ишларида атрофлича ўрганилган<sup>5</sup>.

Л.Решетова ва Қ.Умуровлар *-а* аффиксини ўзбек тилида табиий жинсни фарқловчи ягона кўрсаткич эмаслиги, *-им* шакли қадимги туркий тилда аёл жинсини шакллантиришда унумдор аффикс бўлганлигини таъкидлаб, “ўзбекча *хоним* // туркманча *ханиъм* // татарча *ханиъм* // чувашча *хусам*”<sup>6</sup> каби мисолларни келтиришади. Мисоллар турли тиллардан олинганлигига қарамай, уларнинг барчаси аслида битта сўз. Бизнингча, *хоним* сўзи таркибидаги *-им* аффикси жинсни ифодаловчи, ўтмишда “унумдор” бўлган аффикс эмас, балки эгалик қўшимчасининг тарихан қотиб қолган шакли бўлиши мумкин<sup>7</sup>.

Ўзбек тилида жинсни ифодалаш учун қўлланадиган барча формантлар (*-а* қўшимчасидан ташқари) аффиксоид саналади. Уларнинг барчаси аслида қадимда мустақил сўз сифатида ишлатилган лексемалардан келиб чиққан: *-хон, -бек, -бека, -той, -бачча (-вачча)* каби. Олимхон, Отабек, Қутлибека, Мўминтой каби киши номлари, холабачча, амакивачча каби қариндошлик номлари келтирилган аффиксоидлардан ясалганлигини пайқаш қийин эмас.

*Синтактик усул* ўзбек тилида жинсни ифодалашнинг сермахсул усулларида бири.

Синтактик усул билан ҳосил қилинган, жинс тушунчасини англатувчи бирликларни *қўшма сўзлар* ва *сўз бирикмаларига* ажратишимиз мумкин.

**Қўшма сўзлар** А.Ҳожиёвнинг фикрига кўра, “қўшма сўзларнинг анчагина қисми сўз бирикмасининг (синтактик бирликнинг) луғавий бирликка ўтиши натижасида юзага келган. Бунда ҳар бир сўзнинг юзага келиши алоҳида амалга ошади”<sup>8</sup>. Масалан, аввал сўз

<sup>5</sup>Мусаева Ф. Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши. Фил. фан. бўйича фалсафа док-ри дисс... автореф. – Тошкент, 2019. – 24 б.

<sup>6</sup>Решетова Л., Умуров Қ. Род ва жинс категориясининг лексик-грамматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965. – №6. – Б. 35.

<sup>7</sup>Мусаева Ф. Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши. Фил. фан. бўйича фалсафа док-ри дисс... автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 15.

<sup>8</sup>Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент, 2007. – Б. 11.

бирикмаси ҳолида жинс маъносини ифодалаб, кейинчалик лексик бирликка айланган сўзлар қаторига куйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин: *қайнона*, *қайнота*, *қайнсингил*, *қорбобо*, *қорқиз*, *куёвнавкар*, *бўйқиз* (бўйига етган қиз, балоғат ёшига етган қиз).

Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома” луғатида жинсни ифодаловчи куйидаги кўшма сўзлар берилган: *улуғ аба* (катта амаки), *улуғ ана* (буви), *улуғ ата* (бува)<sup>9</sup>.

Ўзбек қариндошлик терминологиясида *қайн*- сўзи иштирок этган атамалар кўпчиликни ташкил этади. “Қайин” сўзи асли *қазин* сўзи таркибидаги “з” ундошини “й” ундошига алмашинуви билан юзага келганини М.Қошғарий таъкидлаб ўтган. *Қазин* сўзи эса “аёл” маъносини англатган “қатун” сўзи билан боғланади. Айрим туркий тилларда *қайин* сўзи фақат “хотиннинг туғишганлари” маъносини билдиришини, “эрнинг туғишганлари” маъносини билдириши кейинчалик юзага келгани таъкидланади<sup>10</sup>. Шунга кўра *қайнана* сўзи дастлаб “хотиннинг онаси” маъносини ифодалаб, кейинчалик “эрнинг онаси” маъносини ҳам англата бошлаган.

*Сўз бирикмалари.* Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида тирик мавжудотлар жинсини англатишнинг энг сермахсул усули *синтактик усул* ҳисобланади. Ҳайвон жинсини ифодалашда *эркак*, *урғочи* каби сўзлар, паррандалар номини ифодалаш учун эса *нар*, *мода*, *макиён* сўзлари ишлатилади. Бу борада инсон жинсини ифодалаш учун ишлатиладиган сўзлар доираси нисбатан кенг. Масалан, *аёл* маъносини ифодалаш учун кўпинча *аёл*, *хотин*, *қиз*, *кампир*, *она*, *келин*, *опа*, *хола*, *амма*, *буви*, *ойи* ва бошқа сўзлар ишлатилса, эркак жинсини ифодалашда *йигит*, *чол*, *бола*, *ота*, *ака*, *ука*, *киши*, *куёв*, *ўғил*, *эркак* каби лексемалардан фойдаланилади<sup>11</sup>. Мисол учун: *фермер аёллар*; *спортчи қизлар*; *қоровул чол*; *соқчи йигит* каби.

Ўзбек тилида жинсни ифодаловчи махсус аффикс булмагани ҳолда, араб тилидан ўзлашган *-а* форманти аёл жинсини ифодалашда фаол иштирок этади. Ўзбек тилида жинсни ифодалашнинг энг сермахсул ва фаол усули - синтактик усул ҳисобланади. Синтактик усулда жинс маъноси фарқланган бирликларга кўшма сўз ва сўз бирикмаларини киритиш мумкин.

<sup>9</sup>Муҳаммад Якуб Чинги. Келур-наме (староузбекский-персидский словарь XVII века) Введение, транскрипция, перевод, глоссарий А.Ибрагимовой). – Ташкент: Фан, 1982. – С. 106.

<sup>10</sup>Покровская Л.А. Термины родства в тюркских языках / Историческое развитие лексики тюркских языков. –М.: Изд. Академии наук, 1961. – С.71–72.

<sup>11</sup>Расулова М. Инглиз ва ўзбек тилларида жинс тушунчасининг ифодаланиши ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1997. – №1. – Б. 89.

**REFERENCES**

1. Расулова М. Инглиз ва ўзбек тилларида жинс тушунчасининг ифодаланиши ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1997. – №1. – Б. 89.
2. Решетова Л., Умунов Қ. Род ва жинс категориясининг лексик-грамматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965. – №6. – Б. 35.
3. Покровская Л.А. Термины родства в тюркских языках / Историческое развитие лексики тюркских языков. –М.: Изд. Академии наук, 1961. – С.71–72.
4. Мусаева Ф. Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши. Фил. фан. бўйича фалсафа док-ри дисс.... автореф. – Тошкент, 2019. – 24 б.
5. Муталлибов С., Морфология ва лексика тарихидаи қисқача очерк. – Тошкент, 1959. – 140-бет.
6. Мухаммед Якуб Чинги. Келур-наме (староузбекский-персидский словарь XVII века) Введение, транскрипция, перевод, глоссарий А.Ибрагимовой). – Ташкент: Фан, 1982. – С. 106.
7. Уринбаев Б. Категория вокативности в современном узбекском языке. Автореферат канд. дисс..... – Самарканд, 1964.
8. Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. (ўзбек, уйғур, қозок, қирғиз, қорақалпоқ, туркман тиллари материаллари асосида). – Тошкент, Фан, 1966. – 156 б.
9. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиши тизими. – Тошкент, 2007. – Б. 11.